

## ОТКРИТКАЛАРДА МАИШИЙ ҲАЁТ АКСИ



**Абдинабиевна Маъсуда Абдурахмонова**

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

2 курс Мустақил тадқиқотчи (PhD)

[Sanatshunos-88@mail.ru](mailto:Sanatshunos-88@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19381480>

**Аннотация.** В данной статье анализируются бытовые сцены, отражённые на открытках, рассматривается их социально-культурное содержание, этнографическое значение и художественный стиль изображения. Кроме того, рассматривается вопрос формирования представлений о «восточной жизни» через бытовые сцены и их соответствие исторической действительности. **Ключевые слова:** открытка, бытовая жизнь, этнография, социально-культурное содержание, художественный стиль, восточная жизнь.

**Abstract.** This article examines domestic scenes depicted on postcards, analyzing their socio-cultural content, ethnographic significance, and artistic style of representation. It also addresses the issue of how postcards shape perceptions of “Oriental life” and the extent to which these representations correspond to historical reality.

**Keywords:** postcard, domestic life, ethnography, socio-cultural content, artistic style, Oriental life.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида нашр этилган открыткалар нафақат алоқа воситаси, балки муайян даврнинг ижтимоий-маданий муҳитини акс эттирувчи визуал манба сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Айниқса, Туркистон ўлкаси ва хусусан Тошкент шаҳрига бағишланган открыткаларда шаҳар манзаралари, бозорлар, маҳаллалар, масжид ва мадрасалар билан бир қаторда аҳолининг кундалик маиший ҳаёти, урф-одатлари, меҳнат жараёнлари ва ижтимоий муносабатлари тасвирланган. Открыткалардаги маиший ҳаёт тасвирлари ўша давр жамиятининг турмуш тарзи, кийиниш маданияти, касб-корлари, шаҳар ва қишлоқ муҳити, гендер ва ёш қатламлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида муҳим маълумот беради. Бу тасвирлар бир томондан хужжатли характерга эга бўлса, иккинчи томондан муаллиф ёки нашриётнинг эстетик ва идеологик қарашларини ҳам ифодалайди. Шу боис, открыткаларни фақат тасвирий материал сифатида эмас, балки визуал антропология ва маданий хотира нуқтаи назаридан ўрганиш долзарбдир.

Мазкур мақолада открыткаларда акс этган маиший ҳаёт кўринишлари таҳлил қилиниб, уларнинг ижтимоий-маданий мазмуни, этнографик аҳамияти ва тасвирлаш услуби илмий жиҳатдан ёритилади. Шунингдек, маиший сахналар орқали шаклланган “шарқона турмуш” ҳақидаги тасаввурлар ва уларнинг тарихий реаллик билан уйғунлиги масаласи ҳам кўриб чиқилади.

Ушбу мақола учун фойдаланилган открыткалар Давлат санъат музейи кутубхонаси ва архиви фондидан олинган бўлиб, улар орқали ўтмишга саёҳат қиламиз.



Чорсу ариғи бўйидаги қизлар. 1930 й. Фотогораф: И.Н.Панов

Кадр шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган Масляк маҳалласи, кўкалдош мадрасаси яқинида олинган. Чорсу ариғи бўйида давра куриб ўйнаб ўтирган болажонлар тураржой бинолари кўзга ташланади. Бир қарашда Тошкентнинг қайси жойи эканлиги аниқлаш қийиндек туюлади. Фотода ўша давр учун ноодатий меморчилиги билан кўзга ташланиб турадиган Кўкалдош мадрасаси кўриниб турибди. Бир вақтлар Тошкентда ариқлар жуда кўп бўлган. Чорсу ариғи қадим замонлардан оқиб келган, 1960 йилларда эса у қувурларга жойлаштирилган. Орадан ярим аср ўткач бу ерда “Москва” (“Чорсу”) меҳмонхонаси қурилади, яна 20 йилдан сўнг эса “Жар” спорт мажмуаси барпо этилади. Суратга олинган давр: тахминан 1929–1931-йиллар. Айрим манбаларда у XX асрнинг иккинчи чорагига мансуб деб кўрсатилади<sup>1</sup>.

Тасвир тафсилотлари: суратнинг орқа фониди Кўкалдош мадрасасининг портали ва минораларининг силуетлари кўзга ташланади. Олдинги режа эса шаҳар ҳаётининг кундалик манзарасини — ариқ бўйида тўпланган болаларни акс эттиради. Чорсу ариғи 1950-йилларнинг охирида ер ости қувурларига ўтказилган бўлиб, кейинчалик атроф худуд тубдан қайта режалаштирилган.

Мазкур тасвир кўпинча Давлат китоб-журнал нашриётлари бирлашмаси (ОГИЗ<sup>2</sup>) томонидан чоп этилган “Тошкент” туркумидаги откриткалар қаторида учрайди ва шаҳар тарихининг муҳим визуал манбаларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Б. Голендр - Окно в прошлое. Туркистан на старинных почтовых открытках (1898-1917) Ташкент 2002.

<sup>2</sup> ОГИЗ-Бирлаштирилган давлат нашриёти (рус-Объединённое государственное издательство) 1930 йиллар бошида СССРда тузилган бўлиб, у турли давлат нашриётларини бир тизимга бирлаштирган марказий нашриёт ташкилоти эди. У адабиёт, санъат, илмий ва оммавий-маърифий нашрларни чиқариш билан шуғулланган.



Тошкент. Карнай кўнгилочар томоша ҳақида хабар бермоқда. № 23. 1929 йил.  
Фотограф: И. Н. Панов<sup>3</sup>.

Открыткада 1929 йилга оид Тошкент шаҳридаги кўча сахнаси акс этган. Ушбу тасвир ўша даврга мансуб открытка бўлиб, унда карнай орқали маҳаллий аҳолига кўнгилочар томоша ёки тадбир ҳақида хабар берилётган лаҳза муҳрланган. Эски шаҳар худудидаги кўчада тўпланган одамлар карнай садоларини тингламоқда. Ушбу сахна илк совет даври Тошкентнинг визуал тарихи учун хос бўлган намуналардан бири бўлиб, унда анъанавий урф-одатлар янги ижтимоий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундай фотоли открытка кўпгина архивларда сақланади. Жумладан Ўзбекистон давлат санъат музейи архивида ҳам.



Тошкент. № 13. Шаҳарга йўл олган карвон. 1900–1917-йиллар<sup>4</sup>. Муаллифи номаълум  
Ушбу открытка Тошкентдан Верний шаҳрига (ҳозирги Олмаота) йўл олган карвонни акс эттирган бўлиб, у XX аср бошларида Сирдарё вилоятининг иқтисодий ва маданий ҳаётида карвон йўлларининг муҳим аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Композиция карвон ҳаракатининг секин, маросимий тусини таъкидлайди: юк ортиб

<sup>3</sup> Ташкент. Открытки конца XIX-первой половины XX века Узбекистан. Карнай оповещает об увеселительном зрелище № 23. 1929 год. Фотограф: Панов И.Н.

<sup>4</sup> Ташкент. Караван, отправляющийся в г. Верный. № 13

олинган туялар ва уларга ҳамроҳ бўлган одамлар Марказий Осиёдаги анъанавий савдо ва транзит алоқаларининг образини шакллантиради.


Тасвир нафақат ҳужжатли, балки рамзий мазмунга ҳам эга: карвон шаҳарлар, худудлар ва маданиятлар ўртасидаги боғланишнинг метафораси сифатида намоён бўлади. Откритка ўша давр нашриёт маҳсулотига хос бўлган колониал қарашни акс эттирган ҳолда, инқилобдан олдинги Тошкентнинг кундалик ҳаёти ва транспорт инфратузилмасининг визуал гувоҳликларини ҳам сақлаб қолади.



Ташкент. Анхор. 1910 йил. Муаллифи номаълум.


Суратда эски Тошкентнинг кундалик шаҳар манзараси акс этган. Олд планда арик (канал) ва унинг бўйида қурилган ёғоч панжарали йўлак кўприк кўринади. Арик шаҳар инфратузилмасининг муҳим элементи бўлиб, сув таъминоти ва хўжалик эҳтиёжларига хизмат қилган. Ўнг томонда йўл бўйлаб ҳаракатланаётган одамлар тасвирланган; уларнинг кийимлари даврнинг ижтимоий-маданий муҳитини акс эттиради.

Чап ва марказий қисмда пастқам, анъанавий уй-жойлар, томлари ясси ёки енгил қияликда бўлган бинолар кўринади. Бу уйлар эски маҳалла меъморчилигига хос. Фон қисмида баланд тераклар жойлашган бўлиб, умумий композиция сокин, кундалик ҳаёт ритминини, шаҳар ва сув тизими ўртасидаги уйғунликни кўрсатади. Мазмуний жиҳатдан: Ушбу сурат Тошкентнинг XX аср бошларидаги (ёки ўрталарига яқин) маҳалла ҳаёти, шаҳар макони ва ижтимоий муҳитини ҳужжатлаштирувчи визуал манба сифатида қимматли бўлиб, урбанистика, этнография ва маданий тарих тадқиқотлари учун муҳим аҳамиятга эга.



Ўзбекистонлик тиббиёт талабалари ўқув жараёнида. 1930–1940-йиллар<sup>5</sup>.

Ушбу откриткадаги суратда Ўзбекистондан бўлган тиббиёт талабалари ўқув жараёни давомида тасвирланган. Визуал белгилар ва архив маълумотларига кўра, бу тарихий сурат бўлиб, эҳтимол XX асрнинг биринчи ярмида — 1930- ёки 1940-йилларда олинган. Фотосуратда лаборатория ёки тиббий хонадаги амалий машғулот акс этган: дўппи кийган ва тиббий халатдаги талабалар ўқитувчи раҳбарлигида препаратларни ўрганишмоқда. Бундай тасвирлар Ўрта Осиёда тиббиёт ва таълим тизимининг ривожига бағишланган антиквар почта откриткаларида тез-тез учрайди.



Название: Ташкент Физкультурники. № 62  
 Фотограф: Фото И. Н. Панова. Меццо-тинто Сокрайшефсовета, Москва  
 Дата: 1920е-1930е гг. (?) Место съёмки: Ташкент, Узбекистан.

<sup>5</sup> Студенты-медики из Узбекистана за учебным процессом. 1930-1940 гг.


Ушбу откриткада 1920–1930-йиллар давридаги Тошкент шахрида шаклланаётган янги жисмоний тарбия ва оммавий спорт ҳаракати акс этган. Суратда саф тортиб турган ёш эркаклар — физкультурачилар тасвирланган бўлиб, улар спорт кийимларида, тартибли ҳолда ҳаракатга тайёр ҳолатда кўрсатилган. Олдинги қаторда байроқ кўтарган иштирокчи ва қўлида спорт анжومي ушлаган шахс кадрга динамика ва рамзий мазмун бағишлайди. Суратда тасвирланган физкультурачиларнинг аксарияти анъанавий дўппи кийган ҳолда кўрсатилган. Бу ҳолат илк совет даври Тошкентда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати маҳаллий маданий муҳит билан уйғун ҳолда шаклланишини кўрсатади. Дўппининг сақланиб қолиши миллий анъаналарнинг ҳали тўлиқ йўқолмаганини, янги ижтимоий амалиётлар эса мавжуд урф-одатлар асосида жорий этилганини англатади.

Айрим иштирокчилар эса бош кийимсиз тасвирланган бўлиб, бу жисмоний тарбия машғулотида қулайлик ва амалийликка эътибор қаратилганини кўрсатади. Бош кийимлар хилма-хиллиги — дўппили ва дўпписиз иштирокчиларнинг бир сафда жойлашгани — ўтиш даврига хос маданий қиёфани акс эттиради: бир томондан анъанавий кийиниш услуби, иккинчи томондан эса янги советча ҳаёт тарзи ва жисмоний маданият ғоялари.

Шу тариқа, суратдаги бош кийимлар нафақат маиший детал сифатида, балки илк совет даври Тошкентда миллий ўзлик ва янги ижтимоий мафкура ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодаловчи муҳим визуал белгилардан бири сифатида намоён бўлади.

Композиция илк совет даврига хос тарзда жамоавийлик, интизом ва жисмоний баркамоллик ғояларини ифодалайди. Физкультура ҳаракати бу даврда “янги инсон”ни тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида талқин қилинган. Суратдаги кийимлар, саф тортиш услуби ва умумий муҳит Тошкент шаҳар муҳитида анъанавий турмуш билан бир қаторда янги ижтимоий-мафкуравий қадриятлар шаклланаётганини кўрсатади.

Ушбу откритка Тошкентнинг илк совет давридаги маданий ва ижтимоий ҳаётини ўрганишда муҳим визуал манба ҳисобланиб, шаҳарда жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жорий этилиш жараёнларини ёрқин акс эттиради.



Сувли тегирмон . Фото И. Панов, Тошкент, 1926–1930-йиллар<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> Тошкент. Узбекская водяная мельница. 14x9 см Фото И. Панов, Тошкент, 1926–1930 гг.

Ўзбекча сув тегирмони. Ушбу откриткада Ўзбекистон хуудларида ХХ аср бошларида кенг тарқалган анъанавий сув тегирмонининг кўриниши тасвирланган. Тоғли ёки адирли хуудда жойлашган тегирмон табиий сув оқимидан фойдаланиб ишлаган. Кичик ёғоч иншоот орқали сув баландликдан оқиб тушиб, тегирмон механизмини ҳаракатга келтирган. Композициянинг юқори қисмида хом ғишт ва лойдан қурилган тегирмон биноси кўринади. Унинг ёнида маҳаллий аҳоли вакиллари тасвирланган бўлиб, бу сахна тегирмоннинг нафақат хўжалик, балки ижтимоий ҳаётдаги муҳим аҳамиятини ҳам акс эттиради. Сув тегирмонлари донни майдалашда асосий восита бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва кундалик турмушда муҳим рол ўйнаган. Мазкур откритка халқ хўжалиги, анъанавий меъморчилик ва сувдан фойдаланиш маданиятини хужжатлаштирувчи муҳим манба ҳисобланади.

Тегирмон Палван ариғи бўйида қурилган ва тарихий Шайхантоур хуудида жойлашган. Шейхантоур хууди Тошкентнинг марказий қисмига яқин, шаҳарнинг қадимий қисми ҳисобланади. Ц-16 микрорайони ҳозирги замонавий турмуш майдони бўлиб, тарихий Шейхантоур хуудининг жанубида жойлашган.



Тошкент. Сабзовот бозори. Тахминан 1905–1909)

Мазкур откриткада ХХ аср бошларига — тахминан 1905–1909-йилларга оид бўлиб, инқилобдан аввалги Тошкентнинг кундалик ҳаётини акс эттиради. Савдо расталари: Откритканинг олдинги қисмида узун ёғоч савдо пештахталари кўринади. Улар мавсумий маҳсулотлар билан тўлдирилган. Савдо жойларининг ўзига хос жиҳати — оч рангли, матодан тайёрланган катта соябонлар бўлиб, улар маҳсулот ва одамларни Туркистоннинг жазирама қуёшидан ҳимоя қилган. Пештахталарда машҳур ўзбек қовунлари ва тарвузлари териб қўйилганини тахмин қилиш мумкин. Ўша даврда минтақа мева-чева экспорти билан танилган бўлиб, улар махсус поездлар орқали ҳатто Европага ҳам етказиб берилган.

Суратда ўша даврга хос анъанавий кийим — халат ва чопон кийган инсонлар тасвирланган. Ўнг томонда оч рангли халат кийган эркаклар савдо сотиқ билан машғул. Манзара эски шаҳар ҳаётининг ранг-баранглигини ифодалайди. Бозор нафақат савдо жойи, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим маркази бўлганини яққол намоён этади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, откриткалар фақатгина ахборот узатиш воситаси бўлиб қолмай, балки муайян давр ижтимоий муносабатлари, иқтисодий фаолият шакллари ва маданий қадриятларини шакллантирувчи визуал тасаввур манбаи сифатида ҳам хизмат

қилган. Улар орқали шаҳар муҳитининг динамикаси, анъанавий ва янги урф-одатлар уйғунлиги, шунингдек, “шарқона турмуш” ҳақидаги тасаввурларнинг қандай яратилгани кузатилади. Шу маънода, откриткаларни ўрганиш нафақат тарихий фактларни тиклаш, балки маданий хотира, визуал антропология ва шаҳаршунослик нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Маиший ҳаёт тасвирлари орқали ўтмиш жамиятининг реал қиёфаси, унинг ички ижтимоий қатламлари ва кундалик турмуш маданиятини чуқурроқ англаш имкони пайдо бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Пашино П.И. — Туркестанский край в 1866 году, путевые заметки, изд. тип. Тиблена и Ко, СПб, 1868.
2. Остроумов Н.П. — Сарты. Этнографические материалы, тип. газеты "Среднеазиатская жизнь", Ташкент, 1908.
3. Шульценкова И.А. — Средняя Азия. Справочник путешественника, изд. "Искусство", Москва–Ленинград, 1933.
4. Хорошихин А.П. — Сборник статей, касающихся до Туркестанского края, тип. и хромофотография А.Траншеля, СПб, 1876.
5. Schwarz H. — Turkestan. Herdische Verlagshandlung, Freiburg, 1900.